

2022 йил "15" август

Тошкент шаҳри

«Норин-Корадарё сув иншоотлари бошкармаси». (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб номланувчи) Низом асосида иш юритувчи раҳбар С.Хакимов бир томондан ва Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти директор А.Б.Уразкелдиев. (кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб номланувчи) иккинчи томондан институтнинг низоми асосида иш юритиб ушбу шартномани туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 "Буюртмачи"

Норин-Корадарё сув иншоотлари бошкармаси

“Йирик сув ўлчаш гидропостларини қиёслаш ва метрологик аттестациядан ўтказиш” мавзусидаги тадқиқот ишини бажариш”

бўйича топшириқ беради, "Бажарувчи" топшириқни бажаришни ўз зиммасига олади.

1.2 Шартнома бўйича тадқиқот ишини ишлаб чиқиш иши натижаларини топшириш вақти **31.12.2022 йил**

1.3 Шартнома асосий босқичларининг таркиби ва бажарилиш вақти шартномани бажаришнинг тақвимий режасига асосан белгиланади.

1.4 Топшириқни бажариш бўйича илмий-техник ҳисоботни қабул қилиш ва баҳолаш шартнома техник-иктисодий асосланмаси бандларига мувофиқ амалга оширилади.

1.5 Илмий-техник маҳсулотдан суғорма дехқончилик соҳасида фойдаланилади.

2. ШАРТНОМА ИШИНING БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1 Бажарилган илмий-техник топшириқ учун "Буюртмачи" 1-иловасидаги шартнома қиймати тўғрисидаги келишувга мувофиқ "Бажарувчи" ҳисобига

70 000 000 (Етмиш миллион) сўм ўтказилади. ҚҚСолиғисиз

2.2 Ҳақ тўлаш "Буюртмачи" ва "Бажарувчи" келишувига мувофиқ бажарилган иш учун босқичма-босқич амалга оширилади.

2.3 Шартнома имзолангандан кейин "Бажарувчи" ўз мажбуриятларини бажаришга киришиши учун "Буюртмачи" йиллик шартнома қийматининг 30 % ига тенг маблағни бўнак сифатида "Бажарувчи"нинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

2.4. Шартнома умумий суммасининг қолган 70 % и ҳисоб-фактура ва бажарилган ишлар далолатномаларига асосан қонунда белгиланган тартибда ўзаро ҳисоб-китоб қилинади.

3. БАЖАРИЛГАН ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1 Шартнома иши бажарилишининг алоҳида босқичларида бажарилган ишнинг натижалари тақвимий режага (илова 2) мувофиқ тарзда қисқача ахборот-ҳисобот кўринишида тақдим қилинади ва топшириш-қабул қилиш далолатномаси ва ҳисоб-фактураси билан хужжатлаштирилади.

3.2 Тадқиқот иши тўлиқ бажарилгандан кейин "Бажарувчи" "Буюртмачи"га бажарилган ишлар натижалари бўйича якуний тўлиқ ҳисобот тақдим этади.

3.3 Тадқиқот иши муддатидан олдин бажарилган тақдирда "Буюртмачи" уни муддатидан олдин қабул қилиш ҳуқуқига эга ва белгиланган тартибда ҳақ тўлайди.

3.4 Тадқиқот ишининг бажарилиш жараёнида натижаларнинг салбий бўлиши муқаррарлиги ёки ишни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, "Бажарувчи" ишни тўхтатиши ва бу ҳақда иш тўхтатилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида "Буюртмачи"га маълум қилиши шарт. Мазкур ҳолатда томонлар 10 кун ичида ишни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқишлари лозим.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи" ва "Бажарувчи" амалдаги қонунлар доирасида жавобгар бўладилар.

4.2 Шартнома иши бажарилиши жараёнида ишнинг бажарилиши учун таъсир этадиган форс-мажор (табiiй офатлар ва бошқа) ҳолатлар юзага келганлиги туфайли мажбуриятлар бажарилмай қолса, бажарилмаган мажбуриятлар учун "Буюртмачи" ва "Бажарувчи" жавобгар бўлмайдилар.

5. БОШҚА ШАРТЛАР

5.1 Шартнома доирасида яратилган илмий-техник маҳсулотга томонлар Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунларига риоя қилган ҳолда муносабатда бўладилар ва унга тенг ҳуқуқли эгалик қиладилар.

5.2 Томонларнинг ўзаро келишуви асосида бошқа қўшимча шартлар ҳам қўлланилиши мумкин.


6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚИЙ МАНЗИЛЛАРИ

6.1 Ушбу шартноманинг муддати 2022 йил «16» август 2022 йил «31» декабргача белгиланади. Бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар учун тузилган шартномалар Ғазначилик бўлимида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва амал қилиш муддати 2022 йил «31» декабргача белгиланади.

6.2 Томонларнинг манзиллари ва ҳисоб рақамлари:

"Буюртмачи"

Норин-Корадарё СИБ



"Бажарувчи"

**Ирригация ва сув муаммолари
илмий-тадқиқот институти**

Манзил: Тошкент шаҳри
100187, Қорасув-4, 11-уй
Тел/факс: 99 434 43 28
Л/с: 400110860262697048230170001
ИНН: 302259434, ОКОНХ: 95120
ОПЕРУ КАЗНАЧЕЙСТВА МИН.ФИН.РУз
Каз/сч: 23402000300100001010

МБ ББ ХККМ Тошкент ш.

МФО: 00014

ИНН: 201122919

Норин-Корадарё СИБ
бошлиғи

Ирригация ва сув муаммолари
илмий-тадқиқот институти
директори

С.Хакимов

А.Уразкелдиев

2022 йил " " _____

2022 йил " " _____

юрисит: С. Хакимов

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ирригация ва сув
муаммолари илмий-тадқиқот
институтининг директори



А. Ёразкелдиев

2022 йил

“Йирик сув ўлчаш гидростларини қиёслаш ва метрологик аттестациядан ўтказиш” мавзусидаги тадқиқот ишини бажариш учун

ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ

Харажатлар тури	Жами харажатлар, (минг сўм)
Иш хақи	38 400
Ягона ижтимоий тўлов 25% иш ҳақидан	9 600
Хизмат сафари харажатлари	5 000
Канцтоварлар, ёзув қоғозлари	3 000
Устама харажатлар (коммунал ва ижара тўловлари билан бирга - шартноманинг умумий қийматидан 20%)	14 000
ЖАМИ	70 000

Масъул бажарувчи



И. Ю. Ибрагимов

И. Ю. Ибрагимов

“Йирик сув ўлчаш гидропостларини қиёслаш ва метрологик аттестациядан ўтказиш”

мавзусида тадқиқот ишини бажариш бўйича

ТАҚВИМИЙ РЕЖА

Босқич	Босқичлар номи	Босқичлар қиймати, минг сўм	Бажарилиш муддати		Бажарувчилар фамилияси, исми-шарифи
			бошланиши	тугаши	
1	Гидрометрик постлар тўғрисида керакли маълумотларни йиғиш ва уларни таҳлил қилиш. Гидропостларда геодезик ўлчовлар (нивелирлаш) олиб бориш.	25 000	01.08..22	31.08.22	Ибрагимов И. Ю. Хақимов Ф. О. Шербаев М. Р.
2	Гидропостларни қиёслаш учун сув сарфини сув сатҳига боғлиқ графикларини тузиш учун гидрометрик ўлчов ишларини олиб бориш .	30 000	01.09.22	30.11.22	Ибрагимов И. Ю. Хақимов Ф. О. Шербаев М. Р.
3	Гидропостларда олиб борилган ўлчов натижаларини таҳлил қилиш, улар учун метрологик аттестация хужжатларини тайёрлаш ва тақдим қилиш.	15 000	01.12.22	31.12.22	Ибрагимов И. Ю. Хақимов Ф. О. Шербаев М. Р.
3	ЖАМИ	70 000,0			

Масъул бажарувчи



И.Ю. Ибрагимов



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"IRRIGATSIYA VA SUV MUAMMOLARI ILMIY-TADQIQOT INSTITUTI"

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"IRRIGATSIYA VA SUV MUAMMOLARI ILMIY-TADQIQOT INSTITUTI"

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

03.04.2012

007262-04

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

302259434

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Muassasa

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, QORASU-4 MAVZESI, 11-UY,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

to'monidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)



Кому берся.

Петров А.А.





**“ТАСДИҚЛАЙМАН”
НҚСИБ бошлиғи**

С.Хакимов

14 " август 2022 йил

Норин-Корадарё сув иншоотлари бошкармасига карашли «Йирик сув улчаш гидропостларини киёслаш ва метрологик аттестациясидан утказиш» ишлари муносабати билан

ТАНЛАШ БАЁННОМАСИ № 6

14.08.2022 йил

Андижон тумани

Комиссия раиси А.Дехқонов сўзга чиқиб, мухандис А.Комилов томонидан Республика товар хом ашё биржасига Норин-Корадарё сув иншоотлари бошкармасига карашли «Йирик сув улчаш гидропостларини киёслаш ва метрологик аттестациясидан утказиш» ишлари учун 05.08.2022 йилда ЛОТ№132756-сонли эълон берилганлиги, комиссия раиси эълон бўйича танлов ўтказилиб, бу тўғрисида 14.08.2022 йилда танлаш баённомаси расмийлаштирилиб танловда **“Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти” 70 000 000** (етмиш миллион) сўм таклиф билан танлов голиби деб топилди. Баеннома расмийлаштирилгандан сунг Республика товар хом-ашё биржаси сайтига 2 кунга муҳокамада турди, ушбу танлов натижаси бўйича бошқа етказиб берувчи ташкилотлардан эътирозлар келиб тушмаганлиги таъкидлаб ўтди,

Комиссия аъзолари тақдим этилган етказиб берувчиларининг тижорат таклифлари ва бу бўйича расмийлаштирилган танлаш баённомалари эътироз ва таклифларни келиб чиқиб бир овоздан.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Норин-Корадарё сув иншоотлари бошкармасига карашли «Йирик сув улчаш гидропостларини киёслаш ва метрологик аттестациясидан утказиш» ишлари учун **“Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти”** билан шартнома тузилсин.

Қатнашдилар:

Комиссия раиси;

Бошлиқ ўринбосари

Комиссия аъзолари:

СТБ бошлиғи:

КТБ бошлиғи:

КТУ бошлиғи:

КУК раиси:

А.Дехқонов

Н.Пахритдинов

Д.Жўраев

У.Турдиев

С.Норалиев.